

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НИЯЗМЕТОВА ДИЛДОРА ДАВЛЕТОВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ**  
**КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ**  
**ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира**  
**тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 811.111'373.7 811.512.133'373.7

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (Phd) по  
филологическим наукам**

**The content of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (Phd) in  
Philological sciences**

**Ниязметова Дилдора Давлетовна**

Инглиз ва ўзбек тилларида озиқ-овқат компонентли  
фразеологизмларнинг лингвокультурологик хусусиятлари ..... 3

**Ниязметова Дилдора Давлетовна**

Лингвокультурологические особенности фразеологизмов с  
компонентом «пища» в английском и узбекском языках ..... 27

**Niyazmetova Dildora Davletovna**

Lingua-cultural peculiarities of phraseological units with the component  
«food» in English and Uzbek languages ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 59

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НИЯЗМЕТОВА ДИЛДОРА ДАВЛЕТОВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ  
КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ  
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма  
тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (Phd) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.DSc/Fil122 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (nuu.md.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Маматов Абди Эшонқулович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Расулова Маҳфуза Инамовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Агзамова Дилдора Баходиржоновна**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_»\_\_\_\_\_ 2021 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 700174, Тошкент, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел: (+99871) 246-08-62; (+99871) 227-10-59; факс: (+99871) 246-65-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел: (+99871) 246-08-62.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г. Шереметьева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Н.Э. Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**И.А. Сиддикова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида муайян халқнинг ўзлиги, турмуш тарзи, тафаккури, дунёқараши, ўтмиши ва келажagini акс эттирувчи ҳодиса бўлган фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий хусусиятларини тилнинг умумий қонуниятлари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиш доимий эътиборни торттиб келмоқда. Турли тиллардаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг лингвомаданий асосларини, этимологик манбаларини, миллий-маданий хусусиятларини илмий жиҳатдан ёритиб бериш маданиятлараро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида фразеологик бирликларнинг лингвистик хусусиятлари ва уларнинг шаклланиш омилларини лингвомаданий аспектда ўрганиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар сони ошиб бормоқда. Инглиз ва ўзбек тилларидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар таҳлиliga доир тадқиқотлар муайян халқнинг миллий-маданий хусусиятларини, уларга хос умумий жиҳатларни очиб беришга хизмат қилади. Жамиятнинг турли тоифа ва қатлам вакиллари орасида ишлатиладиган бундай бирликларнинг лингвокультурологик нуқтаи назардан ўзаро муштарақлик ва тафовутларини қиёсий-типологик аспектда тадқиқ этиш замонавий тилшуносликнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар туфайли маънавий ва маданий юксалиш янада кучайиб бораётган ҳозирги шароитда ўзбек тилшунослиги масалаларини жаҳон тилшунослигида эришилган ютуқлар асосида чуқур тадқиқ қилиш, яъни фразеологизмларнинг структур-семантик, лингвокультурологик хусусиятларини бир неча тил тизимида чоғиштириб ўрганиш илмий эҳтиёж ҳисобланмоқда. «Тараққиёт тамойилларига асосланган ҳолда илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмлари яратилди»<sup>1</sup>. Бу борада озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар халқнинг кўп асрлик тарихи, маданияти ҳамда кадриятларини ўзида акс эттирганлигини, этимологияси, юзага келиш омиллари, семантик хусусиятларини текшириш юзасидан илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 феврал. № 28 (6722).

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фразеологик бирликлар бўйича жаҳон тилшунослигида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Бинобарин, Н. Амосова, А.В. Кунин, А.И. Смирницкий, В.В. Виноградов, О.В. Кучкильдина<sup>2</sup> ва бошқа олимлар томонидан яратилган тадқиқотлар эътиборни тортади.

Ғарб олимлари орасида М.Л. Бешай, К. Яшихито, Б. Альтенберг, А. Дабровска, А.Де. Гранжа, Н.Р. Норрик, С.Е. Чернобай<sup>3</sup> кабилар фразеологик бирликларнинг лисоний хусусиятларини ўрганиб, ўз асарларида бу ҳақида фикр билдиришган.

Ўзбек олимларидан Л.И. Ройзензон, Ш. Раҳматуллаев, Ҳ. Бердиёров, Я.Д. Пинхасов, М. Умарходжаев, Б. Йўлдошев, А.Э. Маматов, А. Маматов, М. Содикова, Қ.М. Ҳақимов, Ш.Р. Усмонова, М.К. Халикова, К. Бозорбоев, Ш. Алмаматова, М. Вафоева<sup>4</sup> ва яна бир қатор тилшунос олимлар ўзбек фразеологиясининг ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

<sup>2</sup> Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. – Л.: 1963. – 227 с.; Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. – М.: 1972. – 288 с.; Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. – М.: 1998. – 260 с.; Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – М.: 1977. – 267 с.; Кучкильдина О.В. Обозначение концепта «Еда» в устойчивых выражениях, цитатах и афоризмах русского, английского и немецкого языков. Филология и искусствоведение. Статья в журнале. – М.: – С. 190-198.

<sup>3</sup> Lediana B.Ma. Phraseological Units Used in the Functional Styles in English and Albanian Language//Mediterranean Journal of Social Sciences// pub. by MCSER-CEMAS-Sapienza University of Rome: Vol - 4 № 2; May 2013. – P. 453-456; Kamakura Ya. Collocation and preposition sense: a phraseological approach to the cognition of polysemy. A thesis submitted to the University of Birmigham for the degree of doctor of philosophy. The university of Birmigham. 2011. 337 p.; Altenberg B. On the phraseology of spoken English // The evidence of recurrent word-combinations // Phraseology. E d. Cowie A.P. – Oxford: Clarendon Press, 1998. – P. 101-121.; Dabrowska A. A Syntactic Study of Idioms. Cambridge Scholars Publishing. 2018. – 372 p.; Granja Á. María (ed.). Fixed expressions in cross-linguistic perspective // a multilingual and multidisciplinary approach. – Hamburg: Verlag Dr. Kovac, 2008. – 382 p.; Norrick N.R. How proverbs mean: semantic studies in English proverbs – Berlin; New York: Mouton, 1985. – 213 p.; Чернобай С.Е. Определение идиомы в современной фразеологии. «Филология. Социальные коммуникации». Украина, Симферополь, - 2011 г. Том 24 (63). № 3. – С. 320-321;

<sup>4</sup> Ройзензон Л.И. Русская фразеология. Учеб. пособие / М-во высш. и сред. спец. образования. Самарк. гос. ун-т им. А. Навои. – С.: Самарк. ун-т, 1977. – 119 с.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. д-ри дисс. ... автореф. – Т.: 1966. – 46 б.; Бердиёров Ҳ., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясига доир библиографик кўрсаткич. – С.: 1977. – 38 б.; – Б. 21-26; Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология ва фразеология. – Т.: Ўқитувчи, 1969. – Б. 55-65; Умарходжаев М.И. Принципы составления многоязычного фразеологического словаря: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: 1972. – 27 с.; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. док. дисс. ... – Т.: 1993. – 297 с. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Т.: Фан, 1991. – 276 б.; Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларнинг шаклланиши масалалари: Филол. фан. д-ри дисс. ... – Т.: 1999. – 312 б.; Содикова М. Қисқача ўзбекча-русча мақол-маталлар луғати. – Т.: 1993. – 259 б.; Ҳақимов Қ.М. Ўзбек тилидаги содда гап қолипни фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанликлари: Филол. фанл. номз. ... дисс. автореф. – Т.: 1994. – 24 б.; Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар.: Филол. фан. ном. дисс. ... – С.: 1998. – 160 б.; Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине мира (на материале русского и узбекского языков): дисс....канд. филол. наук. – Т.: 1999. – 142 с.; Бозорбоев К.Т. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – С.: 2001. – 22 б.; Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида: Филол.фан.номз. дисс. – Т.: ЎзРФА А. Навоий номидаги Тил ва адабиёт ин-ти, 2007. – 157 б.; Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т.: 2008. – 23 б.; Вафоева М.Й.

Фразеологик бирликларнинг таржимасига оид масалалар Ғ. Саломов, Қ. Мусаев, Ю. Пўлатов, С. Мамажонов, М. Бақоева, С. Абидходжаева, Г.К. Одилова, И. Гафуров, О. Мўминов, Н.М. Қамбаров, М. Холбеков, Ш. Сафаров<sup>5</sup> каби олимларнинг тадқиқотларида атрофлича ўрганилган. Аммо, инглиз ва ўзбек тилларидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар мазкур тадқиқотларда лингвокультурологик жиҳатдан махсус ўрганилмаган.

Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, озиқ-овқат компонентли фразеологик бирликларнинг этимологик шаклланиш омилларига эътибор қаратилган, уларнинг компонент таснифи амалга оширилган, лингвомаданий жиҳатлари ёритилиб, семантикаси чоғиштирма таҳлил қилинган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Инглиз тилини ўрганишда чоғиштирма тилшунослик ва адабиётшунослик, таржимашуносликнинг ўрни» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Инглиз ва ўзбек тилларидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг лингвокультурологик хусусиятларини ва этимологик манбаларини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

озиқ-овқат компонентли инглиз ва ўзбек тили фразеологизмларининг келиб чиқиш манбаларини аниқлаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмларни семантик жиҳатдан таҳлил қилиш;

инглиз тилидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг ўзбек тилида эквивалентлик даражасини аниқлаш;

инглиз ва ўзбек тиллари таркибида озиқ-овқат номлари мавжуд бўлган фразеологизмларнинг лингвокультурологик хусусиятларини таснифлаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар таркибидаги озиқ-овқат номларининг миллий анъаналарда акс этишини ўрганиш.

---

Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили: Филол. фанл. номз. ... дисс. автореф. – Т.: 2009. – 26 б.

<sup>5</sup> Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Т.: Фан, 1966. – 145 б.; Саломов. Ғ Бадий таржимада услубий ўзига хосликни қайта яратиш проблемаси // Таржима санъати. (Мақолалар тўплами). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 53 б.; Мусаев Қ. Инглиз тилидан ўзбек тилига бадий таржиманинг стилистик масалалари: Филол. фан. номз. ... дисс. – С.: 1967. – 140 б.; Пўлатов Ю. Бадий асарда номлар таржимаси. – Т.: Фан, 1967. – 68 б.; Мамажонов С. Ўзбекистонда бадий таржима тарихи. – Т.: Фан, 1985. – Б. 25-35.; Бақоева М. Инглиз ва америка адабиётидан ўзбек тилига шеърини таржима тараққиёти. – Т.: Фан, 1995.; Абидходжаева У.С. Национально-прагматический аспект при переводе фразеологических единиц: дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент: Национальный ун-т. Узбекистана им. М.Улугбека, 2002. – 128 с. Одилова Г.К. Инглиз ва ўзбек мумтоз шеърини таржималарида адекватлик муаммолари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т.: ЎзДЖТУ, 2011. – 153 б.; Гафуров. И., Мўминов О., Қамбаров Н.Таржима назарияси // Олий ўқув юртлар учун ўқув қўлланма. – Т.: Тафаккур Бўстони, 2012. – 280 б.; Холбеков М. Таржимашунослик ва таржима танқиди. // Мақолалар тўплами. – Т.: Наврўз, 2015. – 112 б.; Сафаров Ш. Таржимоннинг лисоний шахс сифатида бажарадиган фаолияти // Хорижий филология. (Мақолалар тўплами) – С.: СамДЧТИ, 2018. – Б. 9-21.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик изоҳли луғатларида қайд қилинган озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни озиқ-овқат компонентли инглиз ва ўзбек тилларига оид фразеологизмларнинг семантик, типологик жиҳатлари ва лингвомаданий хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда чоғиштирма, этимологик, компонент таҳлил, кросс-маданий таҳлил усуллари ва миқдорий таҳлил элементларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг келиб чиқиши халқ оғзаки ижоди, мумтоз ва бадиий адабиёт, тарихий воқелик, миллий анъаналар ва урф-одатлар, диний-маърифий, ижтимоий ўзгаришлар каби мезонлар билан боғлиқлиги асосланган;

озиқ-овқат компонентли фразеологик бирликлар фразео-семантик гуруҳларга таснифланиб, инглиз тилидаги фразеологизмларнинг ўзбек тилидаги эквивалентлик даражаси тўлиқ ва қисман мос келишлик белгисига кўра аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятлари объектив (реалиялар) ва субъектив (эквивалентликка эга образлар) омиллар орқали далилланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги озиқ-овқат компонентли фразеологик бирликларнинг одоб, тарбия ва одобсизлик; умид, ишонч, орзу-ҳавас ва умидсизлик; эпчиллик, удабуронлик ва ношудлик; меъёр ва меъёрсизлик; тақдир, омад ва бахтсизлик; ризқ-насиба; тежамкорлик ва исрофгарчилик; фурсат кадри; фаросат ва фаросатсизлик; тозалик, соғлик ва беморлик; хотиржамлик ва безовталиқ; мамнунлик ва хафагарчилик сингари турли ҳаётий ва контраст маъноларни ифодаловчи муайян лексик тизим асосида тематик-идеографик таснифи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

табиий маҳсулотларнинг номлари билан шаклланган инглиз ва ўзбек тиллари озиқ-овқат компонентли фразеологизмларининг лингвомаданий хусусиятлари аниқланган;

таом номлари билан шаклланган инглиз ва ўзбек тиллари озиқ-овқат компонентли фразеологизмларининг лингвомаданий хусусиятлари ёритилган;

таркибида ичимликлар номлари билан келадиган инглиз ва ўзбек тилларидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятлари исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган хулосаларнинг ишончлилиги ва барқарорлиги, инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик, изоҳли, этимологик луғатларда қайд этилган озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг таркибини, уларнинг семантик жиҳатдан ўхшашлиги ва фарқ қилувчи жиҳатлари ва эквивалентлик даражаси аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган



натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қардош бўлмаган турли тизимли тиллар, яъни инглиз ва ўзбек тиллари материали асосида озиқ-овқат компонентли фразеологизмларни компонент ҳамда семантик таҳлил қилиш, инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзида миллий-маданий хусусиятни намоён қилувчи озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг шаклланиш омилларини тадқиқ қилиш, уларнинг ҳар иккала тилда ишлатилишида эквивалентлигини текшириш, фразеология соҳасининг лингвокультурологик нуқтаи назардан тадқиқ этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги материаллар, ишнинг натижа ва хулосалари «Чоғиштира тилшунослик», «Лексикология», «Фразеология», «Лингвокультурология» фанларини ўқитишни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот натижалари асосида инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча фразеологик луғатлар тузиш мумкин. Шу билан биргаликда, тадқиқот иши олий ўқув юртларининг филология факультетларида фразеологияга доир семинар ва ўқув курсларини ташкил қилишда назарий манба сифатида хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз ва ўзбек тилларидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятлари ва чоғиштира таҳлили бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

инглиз ва ўзбек тилларидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмларни компонент жиҳатдан классификациясига доир тўпланган маълумотлардан (code G00079) амалий лойиҳанинг (LYS) информацион жамиятда тил номли дастур лойиҳасида фойдаланилган (Испаниянинг Коруна университети 2020 йил 28 июндаги DNI-36111593Y-сон маълумотномаси). Натижада магистратура босқич талабаларининг фразеологизмлар мавжуд матнларни илмий таҳлил қилиш бўйича малака ва кўникмаларини ошириш имконини беради.

инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмлар таркибида учрайдиган озиқ-овқат номлари халқ менталитетини англаувчи восита эканлиги каби илмий натижаларидан Бухоро вилоятида 2019 йил 21-23 февраль кунлари бўлиб ўтган «Биринчи Халқаро зиёрат туризми форуми» доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси туризми ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 22 июндаги 02-16/3017-сон маълумотномаси). Натижада форумда иштирок этган меҳмонларнинг инглиз ва ўзбек халқларининг қадимги урф-одатлари ҳақидаги билимларини бойитишга хизмат қилган.

турли тизимли тилларда озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг ўзига хос хусусиятларининг лингвокультурологик аспектда ўрганилиши ҳамда уларнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги эквивалентлик даражаси ҳақидаги илмий хулосалардан А-1-209 рақамли «Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида хорижий филология магистратура мутахассислиги бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш» мавзусидаги

амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 6 майдаги 89-03-1812-сон маълумотномаси). Натижада филология факультетлари талабаларига оғзаки ва бадиий матнлардаги маданий реалияни акс эттирувчи озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг эквивалентларидан фойдаланиш имкони яратилган.

инглиз ва ўзбек тилларидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг шаклланиш омиллари халқ оғзаки ижоди, мумтоз ва бадиий адабиёт, тарихий воқелик, миллий анъаналар ва урф-одатлар, диний урф-одатлар, ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқлиги, уларнинг миллат анъаналарида акс этиши ҳақидаги хулосалардан ПЗ-201709202 рақамли «Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни янада ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий гранти лойиҳасида фойдаланилган (Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ҳудудий инновация фаолияти ва технологияларни трансфер қилиш маркази 2020 йил 12 майдаги 2/31-сон маълумотномаси). Натижада озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг этимологик жиҳатини ўрганиш юзасидан тўпланган маълумотлар тарихий-маданий, экологик, агротуризм ҳамда гастрономик туризмнинг ривожлантириш салоҳиятини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари илмий маъруза кўринишида 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 112 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатиб берилган, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, жорийланиши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Тадқиқотнинг «Лингвокультурологияда фразеологизмларни ўрганишнинг илмий-назарий асослари» деб номланган биринчи бобида дунё тилшунослигида фразеология борасида олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинган ва фразеологизмлар борасида лингвокультурологик тадқиқотларнинг қисқача шарҳи берилган.

Ҳозирги пайтда бошқа масалалар қатори фразеологизмлар тилшуносликнинг фразеология, лингвокультурология соҳаларидаги энг муҳим ва долзарб мавзулар сифатида эътироф этилган. Бу борада ўзбек олимларидан Ш. Раҳматуллаев, А.Э. Маматов, О.М. Мўминов, К.Т. Бозорбоев, Д.Я. Пинхасов, А. Исаев, Ш.С. Сафаров, Б. Йўлдошев, М. Розиқулова, Б. Жўраева, Ш. Усмонова ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган. Фразеологизмлар тилдаги мавжуд сўз бирикмаларининг умумий ҳисобидан жуда қийинчилик билан фарқланадиган, кўп аспектли, мураккаб тил ҳодисаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларнинг лингвистик моҳияти масаласи ҳанузгача мунозаралидир. Ушбу бирликларга бағишланган илмий ишларни таҳлил қилиш жараёнида турлича таъриф ва талқинларга дуч келинди. Бинобарин, Ш. Балли фразеологизмнинг асосий белгиси унинг ўрнини ўша иборанинг маъносига тўғри келадиган сўз билан алмаштириш мумкин ёки мумкин эмаслиги, деб ҳисобласа <sup>6</sup>, А.А. Реформатский фразеологик ибораларнинг бошқа тилларга сўзма-сўз таржима қилиниши мумкин эмаслиги унинг етакчи белгисидир, деган фикрни билдиради<sup>7</sup>. Б.А. Ларин унинг асосий белгиси фразеологизмларни ташкил қилувчи алоҳида сўзларнинг маъносидан ўша бирликларнинг умумий маъносининг келиб чиқмаслиги, деб ҳисоблайди<sup>8</sup>.

Бир қатор тилшунослар фразеологизмнинг фарқли белгилари деб уларнинг нутқ жараёнида яратилмай, балки нутққа тайёр ҳолда киритилиши<sup>9</sup>, уларнинг компонентларини ажратиш мумкин эмаслиги<sup>10</sup>, уларнинг маъно жиҳатдан яхлитлиги<sup>11</sup>, лексемалар бирикишининг чекланганлиги<sup>12</sup> кабиларни кўрсатишган. Фразеологизмларнинг турғунлиги деганда В.Л. Архангельский, А.В. Кунин, В.М. Мокиенко, А.И. Молотков, Ю.А. Рубинчик каби бир гуруҳ олимлар фразеологизмлар «тайёр ҳолда қўлланилиши», «қўлланилишининг барқарорлиги» ва «тайёр конструкция» сифатида қўлланилишини эътироф этишган бўлса, И.А. Мельчук, В.П. Жуков, М.М. Копыленко, З.Д. Поповалар компонентлари олдиндан тайёр ёки семантик жиҳатдан бирга бўлган, ажралмас компонентли тил бирликлари деган фикрларни билдиришган.

Бизнинг фикримизча, А.Э. Маматовнинг фразеологизмларга берган таърифи мақсадга мувофиқ, бинобарин олим фразеологизмларга қуйидаги етита мезон, яъни турғунлик, икки ёки ундан ортиқ компонентлилик, образлилик, мотивлашганлик, эмоционал-экспрессивлик, онгимизда қайта инъикос этишлик ва энг муҳими қисман ёки тўлиқ қўчма маънолилик мезонлари хос эканлигини эътироф этган ҳолда шундай таъриф беради: «Фразеологияни «кенг» ва «тор» маънода тушуниш нотўғри, уни битта маънода тушуниш керак. Улар қандай тил бирликлари деб тасниф қилинишидан қатъий

<sup>6</sup> Балли. Ш. Французская стилистика. – М.: 1961. – 100 с.

<sup>7</sup> Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: 1967. – 124 с.

<sup>8</sup> Ларин. Б. А. Очерки по фразеологии. Ученые зап. ЛГУ. Сер. филол. наук. Вып. 24, – Л.: 1956. – С. 202-224.

<sup>9</sup> Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. – М.: 1969. – 156 с.

<sup>10</sup> Иванникова Е.А. Об основном признаке фразеологической единицы. Проб. фразеологии. – М.: 1964. – С. 70-83.

<sup>11</sup> Виноградов. В.В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке. Академик Шахматов А.А. – М.: 1957. – 169 с.

<sup>12</sup> Копыленко М.М. Сочетаемость лексем в русском языке. – М.: 1973. 118 с.

назар, афоризмми, мақол ёки маталми, турғун сўзлашув формулаларми, «қанотли сўзлар»ми, хуллас, агар улар фразеологизмнинг биз берган таърифига мос тушса, ундаги талабларни бажара олса, яъни тузилиши жиҳатидан сўз бирикмасига ёки гапга тенг бўлган, образли, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, луғатларда қайд этилган ҳар қандай турғун лексик-семантик бирликлар фразеологик бирликлар доирасига киритилиши шарт»<sup>13</sup>. Ана шу таърифига мос келувчи тил бирликларининг барчаси фразеологизмлар таркибига киритилди.

Ҳозирги замон тилшунослигида озиқ-овқат компонентли фразеологизмларга хос лингвистик хусусиятларни бир ёки ундан ортиқ тиллар таркибида чоғиштириб ўрганиш, уларнинг шаклланиш масалаларига тўхталиб, уларга аниқлик киритиш, таркибидаги компонентларига кўра классификациясини амалга ошириш ва ягона лингвистик тизимга солиб, умумлаштириш долзарб масалалардан биридир. Бу борада ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилди. Жумладан, В.С. Ильясов ўзининг номзодлик диссертациясида рус ва араб тили фразеологиясида озиқ-овқат семантик майдонининг умумий характеристикасини берган<sup>14</sup>. О.В. Кучкилдина рус, инглиз ва немис тилларида фразеологик бирликларни таққослаб, озиқ-овқат инсон ҳаётида, унинг таркибий қисмида асосий аҳамиятга эга деган хулосага келади ва озиқ-овқат номлари инсон тирик мавжудот ва ижтимоий борлиқнинг асосий таркибий қисми эканлигини акс эттиради<sup>15</sup>, дея таъкидлайди. Шундай экан, унинг кўпгина категориялари инсоннинг онгида, тафаккурида, инсоннинг кундалик ҳаётида тез-тез учрайдиган озиқ-овқат маҳсулотларини ифодаловчи бирликларда ўз аксини топади, дея жуда тўғри фикрни айтган.

Тилшунос О.Л. Лапина ҳар қандай миллатнинг ҳаёт тарзи унинг ошхонасида акс этади, деб ҳисоблайди. Ҳақиқатан, ҳар бир миллатнинг яшаш шароити уларнинг қандай маҳсулотлар ёки таомлар тановул қилишига таъсир қилади. Е.Э. Барилова рус ва француз тиллари мисолида фразеологизмларни семантик жиҳатдан ўрганиб: «озиқ-овқат» тушунчасини озиқлантирувчи, ейиш, ичишни ифодаловчи турли хил предметлар мажмуи деб тушунади<sup>16</sup>. С.С. Исаев хитой тилидаги озиқ-овқат компонентли фразеологик бирликларни таҳлил қилар экан, улар оламнинг лисоний манзарасини шакллантиришда, сўзларнинг янги маъноларини яратишда, барқарор бирикмаларнинг пайдо бўлишида иштирок этишини таъкидлайди.

<sup>13</sup> Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Т.: 1991. – 212 б.

<sup>14</sup> Ильясов В.С. Фразеология как способ репрезентации языковой картины мира (на материале фразеосемантического поля «питание» в русском и арабском языках). Дисс.... на соиск. учен. степени канд.филол.наук. Саратов: 2019. – 137 с.

<sup>15</sup> Кучкильдина О.В. Обозначение концепта «Еда» в устойчивых выражениях, цитатах и афоризмах русского, английского и немецкого языков. Филология и искусствоведение. Статья в журнале. УДК: 79.016. – М.: – С. 190-198.

<sup>16</sup> Барилова Е.Э. «Еда» как фрагмент русской и французской языковой картины мира // Вестник Псковского государственного педагогического университета. Серия Социально-гуманитарные и психолого-педагогические науки. Выпуск 13. Псков: 2011 – 152 с.

А.Э. Маматовнинг «Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари»<sup>17</sup> мавзусидаги диссертациясида ўзбек тилидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг шаклланиш омиллари ёритиб берилган бўлса, А.А. Носировнинг «Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари» мавзусидаги докторлик ишида от сўз туркумига тегишли бўлган 270 та провербиал фразеологизмлардан 2.8 фоизи, 11 турдаги озиқ-овқатларга доир<sup>18</sup> эканлиги кўрсатилган, уларнинг семантик майдони ҳақида фикр юритилган.

Айниқса, бундай фразеологизмлар таркибида халқ менталитетини намоён қилувчи озиқ-овқат номларининг мавжуд бўлиши айнан ўша халққа тегишли бўлиб, миллий хусусият касб этади ва ўша тил намоёндаларининг миллий-маданияти билан танишишга замин яратади. Ваҳоланки, инглиз тилидаги бундай таркибли фразеологизмлар Ғарб халқлари менталитети, дини, дунёқараши, яшаш тарзи, урф-одатларини акс эттириши нуктаи назаридан ўзбек тилидаги худди шундай фразеологизмлар билан муштарак эмас экан, улар ўзбек тилида Шарқона миллий менталитетни ифодаловчи сема эканлиги билан намоён бўлади. Бу, аввалам бор, ушбу турли тизимли тилларда мулоқот қилувчи миллатнинг халқ оғзаки ижоди ва бадиий меросида кўриниб туради.

**«Фразеологизмларнинг лингвомаданий аспектда ўрганилиши»** деб номланган фаслида фразеологизмларнинг миллий-маданият билан боғлиқлиги борасида фикр юритилган.

Дарҳақиқат, ҳар бир халқ ва миллатнинг бошқаларидан фарқланувчи миллий-маданий хусусиятлари бор. Буларга миллий-маданий анъаналар, урф-одатлар, гапириш усули, нутқ маданияти кабилар киради. Мана шу жараёнларда фразеологизмлар фаол ишлатилади.

Тилнинг фразеологик мажмуи таркиби мамлакат ёки халқнинг маълум бир даврда ўзига хос белгилари ва хусусиятларидаги ривожланиш натижасида жамиятдаги ўзгаришларни акс эттирувчи ўзига хос ўлчами ҳисобланади. Шунинг учун ҳар қандай тилда халқнинг миллийлиги, анъаналари ва урф-одатларини намоён қилувчи кўплаб турғун бирикмалар (фразеологизмлар) юзага келади. Деярли барча фразеологизмларда тил ва миллий-маданият орқали олам манзарасини англатадиган хусусиятлар мавжуд. В.В. Виноградовнинг илмий ишларида мазкур бирликлар нафақат тилни бойитишда муҳим рол ўйнайди, балки умуммаданиятда ҳам катта аҳамиятга эгадир<sup>19</sup>, дея таъкидланган.

Бугунги кунда тилларни миллий-маданият, миллий-маданиятни эса тил нуктаи назаридан илмий-назарий ва илмий-амалий манбаларга асосланган ҳолда тадқиқ этиш зарурияти сезилмоқда. Бу масалада ҳозирги замон тилшунослигида тил бирликлари хусусиятларини ўрганишга лингвомаданий ёндашув жуда муҳимдир. Лингвомаданий ёндашув муносабатнинг миллий

<sup>17</sup> Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари. Докт. дисс. ...автореф.. – Т.: 1999. – Б. 49-50.

<sup>18</sup> Насиров А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари. Докт. дисс. ... автореф. – Т.: 2016. – 18 б.

<sup>19</sup> Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – М.: Наука. 1977 г. – 58 с.

хусусиятини ўзида акс эттирувчи воситалар тизимида таъсир этадиган омиллар мажмуини назарда тутати ва билишнинг ўсиши қандай рўй беришини кузатади. Бундан ташқари, бу тил ва маданият ўртасидаги ўзаро муносабатнинг тилшуносликда доимий мантиқий ривожланишидир<sup>20</sup>. Энг аввало, лингвомаданий муносабатнинг асосий ўзига хос хусусиятларини ёритиш учун ҳозирги замон тилшунослигида «лингвокультурология» термини остида нима тушунилишини аниқлаш лозим бўлади. Ушбу илмий соҳага катта қизиқиш уйғонганлиги сабабли унинг турли жиҳатларини ифодалайдиган таърифлар сони ошади.

В.В. Воробьев лингвокультурология бу – тизимли услублар ҳамда маданий тузилиш ёрдамида маданий ва лисоний бирликларнинг асосий тузилиши жараёнини акс эттирувчи тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати ҳамда боғлиқлигини ўрганувчи, умумлаштирувчи типдаги комплекс илмий соҳа деб ҳисоблайди<sup>21</sup>.

В.А. Маслова бу соҳага оид қуйидаги таърифни беради: лингвокультурология бу – тилшунослик ва маданиятшунослик ўртасида пайдо бўлган, тилда ўрнашиб қолган ва намоён бўладиган халқ маданиятининг ўзида акс этишини тадқиқ қилувчи тилшуносликнинг алоҳида янги соҳасидир. Ушбу соҳанинг мақсади миллий-маданиятни ўзида акс эттириб, тилшуносликда гавдаланган тил бирликларини ўрганиш усулларини намоён этишдир<sup>22</sup>. Тил бирликларидаги маданий аҳамиятни изоҳлаб бериш лингвокультурологиянинг вазифаси ҳисобланади. В.А. Маслованинг таърифига таянган ҳолда, лингвокультурология – бу ўзига хос макон остида тил ва маданият ўртасидаги муносабатнинг муаммоларини ўрганувчи, ўз хусусиятларига эга бўлган, тилшунослик ва маданиятшуносликнинг туташган жойида пайдо бўлиб, тил ва маданиятнинг ўзаро алоқалари ҳақидаги комплекс илмий билиш соҳасидир дейишимиз мумкин. Лингвокультурология бу – тил ва маданият муаммоларини биргаликда, маълум бир изчилликда ва бир бутун тизимлиликда ўрганишга қаратилган илмий йўналишдир.

Ҳар қандай тилнинг фонетик, лексик, морфологик таркиблари каби унинг фразеологик таркиби ҳам аниқ равшан тасаввур ва манзара асосида мураккаб, мавҳум тушунчаларни ўзлаштиришга кўмак берадиган, ёрқин, образли ибора бўлиб, улар талқинининг битмас туганмас бойлигидир. Муайян халқнинг нутқий ҳамда психологик оламнинг фразеологик манзараси, энг аввало, мазкур халқнинг миллий анъана ва қадриятлари мажмуидаги ҳунармандчилик, пазандачилик маҳорати ва санъатини ифодалайди.

Буларнинг тасдиғини кўриш учун, албатта, оламнинг лисоний манзараси тушунчасига ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Тилда олам манзараси атроф муҳит, бутун борлиқ ҳақида инсонларда тасаввур, тушунча ва билимларни акс эттиради. Оламнинг барча, деярли ҳар бир қисми тилда тил бирликлари кўринишида ўз ифодасини топади. Унинг қисмлари орасидаги мантиқий

<sup>20</sup> Евсюкова Т.В. Лингвокультурология. Учебник. 2-е издание. – М.: Изд «Флинта» 2014 г. – 21 с.

<sup>21</sup> Воробьев В.В. Лингвокультурология. Учебник. – М.: Изд РУДН. 2006 г. – 47 с.

<sup>22</sup> Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студентов высших учеб. заведений.– М.: Академия, 2001. – 3 с.

алоқалар тилдаги сўзлар ўртасидаги семантик алоқаларнинг турларини юзага келтиради. Агар сўз бир мавзу ёки ғоя кўламида бирлашган реалияни акс эттириш учун хизмат қилса, унда уларни бир бутун лексик-семантик гуруҳ сифатида бирлаштириш мумкин<sup>23</sup>. Оламнинг фразеологик манзараси дунёни англаш ва билиш, объектив борликни баҳолаш, маълум бир асос ва хусусиятларга таянилган ҳолда илмий тасниф қилиш ва улар орасидаги муносабатларга назарий ва амалий асослар сифатида хизмат қилувчи, инсон тафаккури учун универсалликни ташкил қилади.

Фразеологизмларни лингвомаданий аспектда ўрганилиши деганда, албатта, фразеологизмлар ва улар таркибидаги компонентларнинг халқнинг миллий-маданий хусусиятларини ўзида акс эттириши тушунилади.

Айнан шу сабабли ҳам ушбу бобнинг учинчи фасли **«Инглиз ва ўзбек тилларидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг компонент таҳлили»** деб номланган.

Озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг деярли барчаси ўз тилининг миллий-маданий хусусиятларини акс эттиради ва инсон онгида маданий жиҳатдан шаклланган чуқур мазмун сабабли рамзий маънога эга, шунингдек, аввало, маданий ғоялар туфайли юзага келган иборалар учун ўзлари (озиқ-овқат турлари, пишириш ва уни истеъмол қилиш усуллари) реалия бўлган. Ҳар қандай озиқ-овқат компонентли фразеологизм маълум бир даражада таркибидаги егулик номининг қандайдир хусусияти, яъни кўриниши, таъми ёки бошқа жиҳатлари билан боғлиқ бўлганлиги учун компонент таҳлилда озиқ-овқат турига қараб тасниф қилинди. Бу birlikларни субстантив компонентли фразеологизмлар дейиш мумкин бўлади.

Ҳар иккала тилда қандай турдаги озиқ-овқат номларининг ишлатилишини аниқлаш учун инглиз ва ўзбек тилидаги озиқ-овқат номларини англлатувчи, субстантив компонентли фразеологизмлар компонент жиҳатидан таҳлил қилинди ва статистик таҳлил элементлари асосида фоизларга ажратиб чиқилди. Ушбу турдаги фразеологизмлар таркибидаги озуқа турига қараб 14та гуруҳга ажратилди:

**1. Ун маҳсулотлари** номлари: **«to take the bread out of someone's mouth»** ўзбек тилида **«бировнинг оғзидан нонини олмоқ»** шаклида ишлатилади ва **«яшаш воситасидан маҳрум қилмоқ»** маъносини билдиради. Бунда «нон» «ризқ» маъносида келади. Ўзбек тилидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар орасида 4 хил (нон, патир, зоғора ва қатлама) турдаги нон маҳсулотлари номи ибора таркибида келади. Ўзбек тилида **«нон гадойи»**, **«нони бутун»**, **«нони яримта»** ибораларида нон сўзи «ризқ» маъносини билдиради.

**2. Сут ва сут маҳсулотлари** номлари инглиз ва ўзбек тиллари фразеологиясида деярли бир хил миқдорда учрайди ва улар айнан бир хил ном билан ифодаланади: «milk» сўзи **«Land of milk and honey»** иборасида **«тўкин мамлакат; мўл-кўлчиликда яшайдиган мамлакат»** маъносини билдиришга

<sup>23</sup> Сарьян М.А. Сопоставительный семантико-лингвокультурологический анализ фразеологических единиц русского и английского языков. – М.: 2006. – 120 с.

хизмат қилган. Бу ибора жаннат ҳақидаги афсоналар билан боғлиқ. Инглиз тилида қаймоқ (cream), пишлоқ (cheese), сариеғ (butter), ўзбек тилида айрон, қатик, қаймоқ каби сут маҳсулотлари фразеологизмлар таркибида қўлланилади. Ўзбек тилида сут компонентли фразеологизмларда оқлик маъноси ҳам баён этилади: «Иғвогарга оқ сут ҳам қора» шаклидаги фразеологизмда иғвогар сутнинг оқлигини ҳам тан олмаслиги баён этилган.

**3. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари** номларини ўзбек тилидаги фразеологизмлар таркибида кузатганимизда, егулик маъносида инглиз тилидагига қараганда анчагина кам қўлланилишининг гувоҳи бўлдик. «Товуқ», «жўжа», «қуён», «курка» лексемаларини биринчи навбатда «озик-овқат» семантик майдонига аниқ боғлаб бўлмайди, аксинча, улар кўпроқ «хайвонлар» семантик майдонига тегишли бўлади. Ўзбек тилида «гўшт», «эт» ва «қазикарта» лексемалари озик-овқат маъносида ишлатилади ва инглиз тилида meat – гўшт, beef – мол гўшти, pork – чўчка гўшти, bacon – бекон (тузланган чўчка гўшти), steak – лаҳм гўшт, ribs – қовурға кабилар фразеологизмлар таркибида учрайди. Озик-овқат маъносида келган фразеологизмлар: «pork out (on something)», «bring home the bacon», «Return to one's muttons», «бир-бирининг гўштини емоқ». «Эт» сўзи «гўшт» маъносида ишлатиладиган фразеологизмлар ҳам мавжуд: «Насия еманг этни, қизартирар бетни».

**4. Таом ва таом номлари** миллатнинг анъаналари, маросимлари, диний эътиқоди ва қарашларини ўзида акс эттиради ва фразеологизмлар таркибида турли маъноларни ифодалаб келади. Инглиз тилида «pudding», «sandwich», «hamburger», «porridge», «omelette», «soup», «crisp», «enchilada», «broth» ва ўзбек тилида «ош», «палов», «чучвара», «мошхўрда», «атала», «шавла» каби миллий таомлар фразеологизмлар таркибида қўлланилади. «A few fries short of a Happy Meal» ўзбек тилида «жуда ақлли бўлмаган ёки номаълум ақлий салоҳият»ни англатади. «*Every time Paul tells me about his latest conspiracy theory, I can't help thinking that he's a few fries short of a Happy Meal.*» Ўзбеклар қадимдан озик-овқатлардан хилма-хил таом турларини тайёрлашга уста бўлишганликлари учун ҳам уларнинг нутқида бундай миллий таомлар номлари фразеологизмларида ҳам ўз ифодасини топган. Мана шунинг учун ҳам улар шу тилда сўзлашувчиларнинг нутқида фаол қўлланиб, воқеликни реал тасвирлашда, образлиқ билан ишонарли фикр-мулоҳаза юритишда сўз каби материал ёки манбалар вазифасини бажаради. «Аввал таом, баъд аз (сўнгра) калом» – *оч қоринга иш қилиб бўлмайди, яъни олдин таом еб, кейин ишларни қилиш керак, деган маънода қўлланилади.*

**5. Сабзавотлар номлари** иккала тил соҳиблари истеъмоли қиладиган егуликларининг асосий турларидан бири ҳисобланади ва инглиз тилидаги сабзавот номлари ўзбек тилидагига қараганда фразеологизмлар таркибида кўпроқ қўлланилар экан бунга сабаб мамлакатларнинг географик жойлашуви дея мулоҳаза қиламиз. Инглиз тилида: **drop sb/sth like a hot potato** – муаммо келтириб чиқариши мумкин бўлган нарсадан ёки кимсадан воз кечмоқ. *He dropped the plan like a hot potato when he realized how much it would cost him.* «Карам» сўзи тавозе, иззат-икром маъноларида ишлатилади: «Кўпда карам кўп». Топган –ниёз, топмаган – пиёз. Саримсоқ еганнинг тани соғ кабилар.



6. **Мева номлари** шубҳасиз ҳар иккала тил эгаларининг асосий озуқа турларидан бири ҳисобланади ва инглиз тилидаги мева номлари ўзбек тилидагига қараганда фразеологизмлар таркибида кўпроқ қўлланилар экан, чунки тропик мевалар номлари ўзбек тилидаги фразеологизмлар таркибида учрамайди. Инглиз тилида: **Banana oil** – бемаъни гап, сафсата, бўлмағур гап (диққат-эътибор қилишга арзимайдиган, беҳуда нарса ҳақида). *'Banana oil!' he shouted.* (E. O'Connor, 'All in the family', ch. XI).

Узум, қовун кўчма ва қиёслаш маъноларида қўлланилади: **Узум тилаганга узиб-узиб бер, қовун тилаганга – қон ялатиб.**

7. **Қуруқ мевалар номлари:** ҳар иккала тилда, асосан, ёнғоқ ва майиз номларини фразеологизмлар таркибида кўп учраши кузатилади. **«Raisin ranch»** – сленг, пенсия маркази ёки жамоа, қариялар уйи, кишмиш билан катта ёшдаги инсоннинг ажинларини қиёсловчи иборадир. **«бир майизни қирқ бўлиб емоқ»** – аҳиллик маъносини беради.

8. **Зираворлар ва қайлалар номлари.** Зираворлар таркибига кирувчи асосий компонент туз ҳисобланиб, ҳар иккала тилда ҳам фразеологизмлар таркибида энг кўп қўлланилади. Ўзбек тилида қайла ёки қайлалар турлари билан фразеологизм учратмаймиз. Улар инглиз тилида кам миқдорда бўлса ҳам мавжуд. **«Worth (one's) salt»** – бирор киши одатда бировнинг ишини яхши бажаргани учун маълум бир соҳада қафолатли ҳурмат, ҳурматга сазовор бўлмоқ. **«Тузини еб тузлигига тупирмоқ»** – яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтармоқ.

9. **Ширинликлар номлари** фразеологизмлар таркибида кам қўлланиладиган компонентлардан бири ҳисобланади. Инглиз тилида 6 та (honey, jam, chocolate, jelly, trifle, toffee), ўзбек тилида 6 та (ҳолва, асал, бол, новвот, шакар, қанд) ширинлик номлари фразеологизмлар таркибида ўз аксини топган. **«Have (got) jam on it»** – ҳеч қандай камчиликсиз яшамоқ, тўкин-сочинликда яшамоқ. *He is always complaining about the difficulty and hardship of his lot, but compared with most of us he's got jam on it.* **«Душманингни асал билан бўғ»** – душман бўлса ҳам, уни меҳмон қил, уялганидан уятдан бўғилсин.

10. **Балиқ, балиқ ва денгиз маҳсулотлари** номлари инглиз тили фразеологизмлари таркибида мавжуд, чунки бу тил эгалари, асосан, орол, денгиз бўйидаги мамлакатларда истиқомат қилишади. Ўзбек тилида эса бунақа компонентли фразеологизмлар кам учрайди. **«Балиқ бошидан сасийди», «feel (be) like a fish out of water»** – ўзини ноқулай, ўнғайсиз ҳис қилмоқ. *I felt like a fish out of water in my new school.*

11. **Бошоқли экинлар номлари** Фразеологизмлар таркибида ўзбек тилида инглиз тилидагига қараганда 3 баробар кўпроқ қўлланилади. **«Get beans»** – жазоланмоқ, жазо олмоқ. *We can't get them in the open, only on very rare occasions, and when we do, by gum, they don't half get beans.* **«Аравани от эмас, арпа тортади»** – арпа бу ерда емиш маъносини ифодалаб келган бўлиб, оч қоринга иш қилиб бўлмайди.

12. **Ичимликлар номлари** ҳар иккала тилда ҳам бир хил миқдорда фразеологизмлар таркибида иштирок этган, лекин ўзбек тилида спиртли ичимликлар номларидан фақат ароқ сўзи фразеологизмлар таркибида мавжуд,

инглиз тилида эса пиво, узум виноси, вино, шампан виноси (beer, grapevine, champagne, wine) ва кофе каби компонентлар фразеологизмлар таркибида ишлатилади. **«High-water mark»** – кульминацион нуқта, авжига чиққанда, энг қизғин пайт. Сув компонентли фразеологизмларда бирор нарса таркибидаги суюқлик сифатида: **«Оғзининг суви келади. Суви қочган нон.»**

**13. Бошқа маҳсулотлар номлари.** Инглиз тилида хантал, тухум, салат, таом, озиқ-овқат, мева ўзаги, ёғ (mustard, egg, salad, meal, food, core, oil) ва ўзбек тилида хамир, тухум, ёғ, мой, таом каби сўзлар фразеологизмлар таркибида қўлланилади. **«Good egg»** – машхур, илтифотли инсон, барака топгур. ... *this is my nephew, emphatically a «good egg» as you say.* (J. Galsworthy, 'Maid in Waiting', ch. XXII). «Ёғ» компоненти яхши, ҳалол нарса экани ва уни биргина кумалоқ, яъни ёмон, ҳаром нарса бузиши мумкинлиги тўғрисида: **«Бир қорин мойни бир кумалоқ бузар»** – одамнинг барча қилган яхши савоб ишларини биргина камчилиги, хатоси, нотўғри ҳаракати чиппақка чиқаради.

**14. Фақат фразеологизмлар таркибида озиқ-овқат маъносида ишлатиладиган лексемалар.** Ҳар иккала қардош бўлмаган тилларда озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар таркибида алоҳида ишлатилганда луғавий маъноси егулик эмас, балки фақат фразеологизм таркибида озиқ-овқат маъносида қўлланиладиган лексемалар мавжуд. Улар: англиз тилида бирор нарса бўрон, тўфон (storm), тиш (tooth), кўк (green), ўзбек тилида мол, оқ. **«Cook up a storm»** – бир вақтнинг ўзида жуда кўп овқат тайёрламоқ (Исён кўтариш, шов-шув чиқариш ёки агитация қилиш учун уюштирилладиган базм учун). **«Моли борнинг жони бор»** – яшаш учун ейиш керак, шундай экан инсоннинг ейишга озиқ-овқати бўлса, тирик қолади. Демак, кузатишларимиз давомида таркибида озиқ-овқат номлари қатнашган фразеологизмлар таркиби жиҳатидан 14та гуруҳи мавжудлиги маълум бўлди. Бу номлар кўчма маънода ҳаётий ҳолат (ризқ, меъёр аҳиллик), белги (аҳмоқ, хурсанд, тўқ), ҳаракат (кўрқиш, ҳаяжонланиш, совуқ қотиш азобламоқ) кабиларни ифодалашга хизмат қилган.

Тадқиқотнинг II-боби **«Инглиз ва ўзбек тилларидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмларда лисоний-ментал хусусиятларнинг ифодаланиши»** деб номланган бўлиб, унинг биринчи фаслида озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг этимологик манбалари, иккинчи фаслида уларнинг эквивалентлиги масаласи ва семантик таҳлили амалга оширилган. Ушбу бобнинг учинчи фасли англиз ва ўзбек тиллари фразеологиясида озиқ-овқат номлари билан боғлиқ анъаналарнинг ва халқ менталитетининг акс этишини ёритиб беришга бағишланган.

Тилдаги фразеологизмлар муайян миллатнинг яшаш тарзи, анъаналари, урф одатлари, дунёқараши заминиди шаклланади ва тараққий этиб боради. Улар халқ ва қабила-уруғларнинг тарихий тараққиёти, тарихий, маърифий мероси ва маданий равожланиши самараси бўлиб, жамият ҳаёти ҳамда маданиятида жуда ўзига хос восита вазифасини бажаради. Турли миллат вакиллари истеъмол қилладиган озиқ-овқатларнинг номлари шу кишиларнинг нутқи билан, яъни воқеликни уларнинг тафаккури билан қайд этиш орқали фразеологизмларнинг таркибига сингиб борган. Айни пайтда бу бирликлар

миллий ва индивидуаллик хусусиятларга эгаллигини унутмаслик керак. Озиқ-овқат компонентли фразеологизмлардаги индивидуаллик умумий фразеологизмлар сингари уч хил ҳолатда воқеланади: 1. Бир ёки бир неча киши томонидан ишлатиладиган озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар. Буларга ёзувчи ва шоирлар ўз асарларида қўллаётган бирликлар киради. 2. Фақат бир халққа, унинг миллий маданияти ва урф-одатларига тегишли озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар. 3. Бир неча халққа оид бўлган ва уларда фаол ишлатиладиган озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар.

Шу ўринда озиқ-овқат компонентли ўзбек тилидаги фразеологизмларнинг этимологик манбалари деган тушунчага ойдинлик киритиш лозим бўлади. Агар этимология сўзи ҳам тилшунослик фанининг бир бўлимини, ҳам сўзларнинг келиб чиқиш тарихини ўзида ифодаласа, фразеологизмларнинг этимологик манбаларига улар шаклланган тил, унинг кўринишлари ва қўлланиши, турли ёзма манбаларда сақланиб қолинганлиги сингарилар оид бўлади. Фразеологизмларнинг келиб чиқиш манбаларини ўрганиш тарих, адабиёт ва халқ маиший ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Юқоридаги тасниф ва талкинларга таянган ҳолда озиқ-овқат компонентли фразеологизмларни этимологик жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

#### **1. Динга боғлиқ бўлган озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар.**

«Библия» инглиз тилидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг пайдо бўлишида асосий манбадир. Масалан: «**the apple of Sodom**», «**Adam's apple**» «**a forbidden fruit**», «**manna from heaven**». «Библия» да учрайдиган фразеологизмлар интернационал фразеологик фонднинг бир қисмини ташкил қилади

Ўзбек тилида ҳам динга боғлиқ бўлган озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг шаклланиши ўзига хос индивидуал жиҳатларга эга.

**Араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб тилимизга ўзлаштирилган фразеологик бирликлар.** «Асал (ичмоқ) ва қон олдирмоқ дардга даво бўлғуси» – унда (асалда) одамлар (дардига) даво мавжуддир. Асал ичмоқ (ёмоқ) – фразеологизм бўлиб, маъно жиҳатдан «даволанмоқ» сўзига тенг келади.

**2. Мумтоз ва бадий адабиётга боғлиқ бўлган озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар.** Инглиз адабиётида Шекспир муҳим рол ўйнайди ва унинг драмалари инглиз тили фразеологиясини бойитишда «Библия»дан кейин иккинчи ўринда туради. «**The grapes of wrath**», «**cool as a cucumber (as cool as cucumbers)**», «**salad days**». «**Dead sea fruit**» фразеологизми М.Э. Бреддон романларидан бирининг номи сифатида пайдо бўлган. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достони<sup>24</sup> бу жиҳатдан эътиборни тортади: **Шакарни шу киши ейдики**, унга мабодо зўрлик-зулм ўтган бўлса, Ва даргоҳимга келиб мендан ҳақ-адолат топса<sup>25</sup>.

Алишер Навоий асарларида хусусан, «Хамса» достонида ҳам озиқ-овқат номлари қўлланилганлигини кузатиш мумкин. «Ҳайратул-аброр» номли

<sup>24</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: Фан, 1972. – 960 б.

<sup>25</sup> Шакарни шу киши ейди – фразеологизм (адолатли, ҳақгўй инсон хардоим яхши гап эшитади (ёки тотли(яхши) нарсаларни ейди)).

достонидаги парчалар бунга гувоҳлик беради: **«Экмак эмас, юборича бўким тўрғасен, Арпау бўғдой сочибон ўрғасен»**<sup>26</sup>. (АНХХА.24-б). Бизнингча, бу ҳикматли сўз «арпа эксанг арпа ўрасан, бўғдой эксанг бўғдой» мақолига мос келади. Яъни **«Нима эксанг, шуни ўрасан»** мақоли бунга эквивалентдир.

**3. Тарихий воқелик таъсирида келиб чиққан озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар.**

Тарихий маданият асносида келиб чиққан иборалар инсоният маданий меросининг қимматли беағидир. Тарихий шахслар ҳақидаги афсона, қисса ва эртаклардаги фразеологизмлар матнларга миллий бўёқ беради. **«Columbus's egg»** – **«Колумб тухуми»** дегани, ўзбек тилидаги **«хамирдан қил суғургандай»** иборасига мазмунан мос келади. «Девону-луғотит турк» асарида **«Этли, тирноқли эзирмас»** – «Этни тирноқдан ажратиб бўлмайдир». Демак, туркий, умумтуркий ва ўзбек тилига хос мақол, афоризм, фразема, матал, нақл, ҳикматли сўзларни ўзида бирлаштирган фразеологизмларнинг шаклланиш манбалари туркий халқ, қабила, уруғларнинг қадим тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

**4. Оғзаки нутқ ва халқ оғзаки ижодидан келиб чиққан озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар.** Фразеологизмлар миф, эртак ва афсоналарда қўлланилганлиги кузатилади. **«sour grapes», «the grapes are sour»**. Аксарият озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар муайян касб-кор эгалари (денгизчилар, деҳқонлар, ошпазлар ва бошқалар) нутқи билан ҳам боғлиқ. Юнон-Рим мифологиясидан фразеологизмлар: **«banana oil», «my cabbage», «good (nice) as pie», «between wind and water»**. Ўзбек халқ оғзаки ижоди жуда қадим тарих ва ривожланиш йўлларида эга. Жумладан, **«Айрон ош бўлмас, нодон бош бўлмас», «Мехнатли ош – ош бўлар, мехнатсиз ош – тош бўлар», «Сутдан оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичар»**.

**5. Урф-одатлар ва анъаналар асосида ҳосил бўлган озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар.** Урф-одат ва анъаналар муайян тилда сўзлашувчи миллатнинг яшаш тарзини белгилаб беради. Озиқ-овқат номлари маданий ҳаётнинг бир муҳим бўлаги ҳисобланади.

**Инглиз тилида:** қишлоқ хўжалигидаги урф-одатлар билан боғлиқ бўлган озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар ҳам талайгина: **have all one's eggs in one basket, feel like a fish out of water, from soup to nuts**.

**Ўзбек тилида** озиқ-овқат номлари пазандачиликка оид урф-одатлар билан боғлиқ ҳолда кўп қўлланганлиги учун пазандачилик доирасида шаклланган фразеологизмлар<sup>27</sup> таркибида ҳам учрайди. Масалан: **Чучварани хом санабсиз, Қулоғига лағмон осмоқ**.


**6. Ижтимоий ўзгаришлар натижасида келиб чиққан озиқ-овқат компонентли ўзбек тили фразеологизмлари.** Озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг пайдо бўлишига жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар катта таъсир кўрсатади. Айтиш мумкинки, ҳар бир даврнинг ўз ибораси бор. Ижтимоий ҳаётдаги ижтимоий, иқтисодий, маданий, маърифий янгиланиш

<sup>26</sup> Арпау бўғдой сочибон ўрғасен – фразеологизм.

<sup>27</sup> Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари. Докт. дисс.... автореф. – Т.: 1999. – Б. 20-21.

натижасида фразеологизмлар бойиб, такомиллашиб боради. «**Бўғдойи борнинг кўлида мойи бор**». Бу мустақиллик даврининг маҳсули ҳисобланади. Чунки шўро даврида фақат пахта ҳақида гапирилган. Истиқлол даврида ғаллачиликка эътибор ортди. Шу муносабат билан халқ тилида янги мақол ва иборалар пайдо бўлди. Демак, озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар дин, бадий адабиёт, тарихий воқелик, оғзаки нутқ ва халқ оғзаки ижоди, урф-одатлар ва анъаналар, турли ижтимоий ўзгаришлар натижасида шаклланган.

Шу бобнинг 2 фаслида эквивалентлик турини аниқлашда Глешир классификациясига таянилди. Унга мувофиқ агар иккинчи тилда берилган муқобил вариантнинг барча компонентлари сўзма-сўз мос келса – тўлиқ эквивалентлик, битта ва ундан ортиқ компоненти ёки структураси мос келса – қисман эквивалентлик, бирорта ҳам компоненти мос келмаса – нол эквивалентлик ҳисобланади<sup>28</sup>. Масалан: **Stew in one's own juice** – **Ўз ёғида қовурилмоқ**. Қисман эквивалентлик. Озиқ-овқат компонентли фразеологизмларни таҳлил қилаётиб, уларнинг эквивалентлик даражаси аниқланди:



Ушбу диаграммадан кўриниб турибдики, қиёсланаётган тиллар қардош бўлмаганлиги ва умуман, фарқ қилувчи миллийликка ҳамда маданиятга эга бўлгани учун нол эквивалентлик миқдори қисман эквивалентликдан кўп ва тўлиқ эквивалентлик жуда кам миқдорда учрайди.

Ушбу бобнинг 3 фаслида «**Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологиясида озиқ-овқат номлари билан боғлиқ анъаналарнинг ва халқ менталитетининг акс этиши**» мисоллар орқали ёритиб берилган. Инглиз халқининг деярли барчаси **fish & chips** терминини эшитган ва билади. Бу таом уларнинг энг севимли овқати ва ороликларнинг миллий рамзларидан бири ҳисобланади. Ушбу таом турини ҳеч қандай муболағасиз мутлақо анъанавий Британия таоми деб аташ мумкин. Агар инсонлар Британия маданиятидан воқиф бўлмоқчи бўлишса, албатта бу таомни татиб кўришлари керак бўлади. Инглиз тилида бундай компонентли фразеологизмларни кўплаб учратамиз. Масалан: **let the chips fall where they may|chip|chips|fall** – қилинган ҳаракатга бошқалар томонидан қилинган кўнгилсизликка эътибор бермаслик. (*The senator*

<sup>28</sup> Glaser Rosemarie 1998. The Stylistic Potential of Phraseological Units in English and German. In Jacek Fisiak (ed.) Papers and studies in contrastive linguistics, – P. 123-134.

*decided to vote against the bill and let the chips fall where they may. The police chief told his men to give tickets to all speeders and let the chips fall where they may*) ва шу кабилар.

Ўзбек тилида маросим ва анъаналарни ифодаловчи «Ош», «Чучвара (барак)» компонентли фразеологизмлар. Уларда бу компонентлар ўзбеклар миллий овқатларининг номи, ошнинг яна бир номи бўлган палов иштирокида ҳам иборалар мавжуд. Масалан: «**Ош бермоқ**» – тўй ёки бошқа шунга ўхшаган базмларда катта қозонда палов дамлаб, зиёфат ўтказмоқ. **Чапон палов** – тўйдан кейин куёв жўраларини йиғиш учун бериладиган зиёфат, **Келин барак** – тўйдан кейинги кун келин саломини олиш мақсадида келган қариндош-уруғлар ва кўни-кўшнилар учун ўтказиладиган базм. Бу базмда асосий таом чучвара бўлганлиги учун маросим шундай номланган. **Беш оқшом оши** – бирорта ўзбек хонадонида чакалоқ туғилганининг бешинчи кунда ун оши пиширилиб кўшниларга тарқатиш маросими. Ўзбек халқи меҳмондўстлиги билан ном қозонган. Шу фазилат натижасида бир қатор миллий фразеологизмлар шаклланган. Жумладан, бир кишининг уйига меҳмон келса «**ноннинг тузини татинг**» дейилади. «**Тузини тотмоқ**» ибораси шундан келиб чиққан бўлиб, унда тузини тотган жойни эъзозлаш ва кадрлаш кераклиги таъкидланган. Бу эса халққа хос хусусият бўлиб, миллат менталитетида акс этади.

Диссертациянинг III боби «**Инглиз ва ўзбек тилларидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятлари**» деб номланган бўлиб, улар таркибидаги маҳсулотлари турига қараб уч фаслга ажратилиб ўрганилди: а) таом номлари билан келадиган, б) таркибида табиий маҳсулотлар номлари билан келадиган, в) таркибида ичимликлар номлари бўлган озиқ-овқат компонентли фразеологизмларининг лингвомаданий хусусияти аниқланди.

Овқатланиш жараёнида табиийки, халқ асосан ўзининг миллий таомлари ва пишириқларини истеъмол қилади, уларни ўз урф-одат ва анъаналарига қараб, тўй, маросим ва бошқа тадбирлар ўтказишган пайтларида тайёрлашади ва истеъмол қилишади. Табиийки, бундай жараёнларда инсонлар албатта суҳбатлашишади ва шу суҳбатлар натижасида асосан фразеологизмлар юзага келади. Тилларнинг турли тизимлилигига қарамадан бир хил, ўхшаш маънога эга бўлган фразеологизмлар ҳам мавжуд. Лекин уларнинг озиқ-овқат компонентлари ҳар хил, яъни улар ҳар бир тилнинг ўзига хос озиқ-овқат номи билан ифодаланади. «**You can't make an omelette/omlets without breaking eggs**» – «**тоққа чиқмасанг дўлона қайда, жон кўйдирмасанг жонона қайда**». Ушбу иккала фразеологизмнинг семантик яқинлиги ва ўхшашлиги, «Қийинчиликсиз ҳеч нимага эришиб бўлмайди» деган мазмунда ишлатилиши билан белгиланади.

Табиий маҳсулотлар номлари: инглиз тилида **upset somebody's apple-cart** фразеологизми (*You have upset the Persian apple-cart, my boy, clumsily perhaps but dangerously* J. Aldridge, «The Diplomat», ch. 42) кимнингдир режаларини барбод қилмоқ, деган маънони беради. Бу ибора 1700 йилларнинг охирларида «**upset the cart**» кўринишида ишлатила бошланган.

Ўзбек тилида **режасини чиппакка чиқармоқ** ибораси мавжуд. Шундай маъно мазмунда яна бир фразеологизм инглиз тилида «бировнинг олма ортилган аравасини барбод қилмоқ» шаклида келиб, бунда асосий компонент олма (apple) лексемаси бўлиб келади, ўзбек тилидаги бундай мазмундаги фразеологизм таркибида эса озиқ-овқат номи мавжуд эмас.

Ўзбек тилидаги **тарвузи қўлтиғидан тушиди** фразеологизмининг яна бир варианты **хафсаласи пир бўлди** иборасидир. Полиз экини бўлган тарвуз ўзбек халқининг, асосан, ёз фаслида чанқоқни босадиган егулиги ҳисобланади. Думалоқ бўлганлиги учун уни инсон қўлтиғида сақлаш қийинроқ, агар у тушиб кетса, чанқоғи босилмай қолади ва хафсаласи пир бўлади. Бу маъно жиҳатдан инглиз тилидаги **lose heart** – юракни йўқотмоқ иборасига тўғри келади. Кўриб турганимиздек, ибораларнинг инглиз тилидаги эквивалентида озиқ-овқат номи мавжуд эмас.

Миллийлик халққа хос хусусият бўлгани каби, маданийлик ҳам халққа хос сифат кўрсаткичларидан бири саналади. Маданийлик тушунчаси фалсафий тушунчалардан бири бўлиб, у ҳам ер юзининг ҳамма жойида бир ҳолатда тушунилавермайди. Фразеологизмларда озиқ-овқат номларининг маълум турлари айтилишида сўзнинг лексик маъносига кўра ўхшаш бўлиши ҳам мумкин.

«Water» ва «сув» компонентли фразеологизмларни ифода ва таркиби доирасида кузатамиз. Инглиз тилидаги **like fish in the water** фразеологизмнинг сўзма-сўз таржимаси сувдаги балиқ каби, сувдаги балиқ каби ўйноқламоқ, эркин, мустақил бўлмоқ маъноларида қўлланилади. Бу фразеологизмни ўзбек тилида сув компонентли фразеологизм билан бера олмаймиз, чунки ўзбек тилида бунақа шаклдаги ибора йўқ. Ўзбек тилида худди шу фразеологизм таркиби доирасида **сувга тушган мушукдек**, фразеологизмини учратиш мумкин, лекин маъно жиҳатдан умуман фарқ қилиб, «сўппайган» деган салбий маънода ишлатилади.

– Хў, Жиғолибек, закот бермаган туркман тоифасининг бошчиси, **сувдан чиққан шоғолдин** бўлиб, мани алдимда, нишатиб дурипсан, дади<sup>29</sup>. Бу мисолда **сувдан чиққан мушукдек** фразеологизмининг яна бир Хоразм шеvasида қўлланиладиган кўринишидан фойдаланилган бўлиб, у ҳам «сўппайган» деган маънони англатади.

Чой ҳар иккала халқнинг севиб истеъмол қиладиган ичимлиги ҳисобланади, улар ўз турмушида чойдан кўп фойдаланишади. «Чой», «Tea» компонентли фразеологизмларга мисоллар келтирамиз: Инглиз тилида **not one's cup of tea** (бировнинг кашка чойи эмас) «бировнинг ёқтирмайдиган, қизиқмайдиган нарсаси, кўнгил хуш кўрмайдиган иш» деган маъноларда ишлатилади. Ўзбек тилида бунақа мазмундаги фразеологизм йўқ.

Ўзбек тилида чой, нон компонентли **чойдир ноннинг хуруши, нон бўлмаса ана чойнинг туриши** фразеологизмини олсак, бу иккала бир-бирига мос нарсалар бирга ишлатилса яхши бўлади, яъни бир-биридан ажратиб бўлмайдиган нарсаларни ҳамоҳангликда қўллаш лозим, деган мазмунда

<sup>29</sup> С.Р. Рўзимбоев. Хоразм дostonлари Гўрўғли. Урганч. Хоразм нашриёти. 2004. – 23 б.

келяпти. Демак, озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар лингвомаданий хусусиятлари билан муайян маданий қадриятларни намоён этишда алоҳида аҳамиятга эга экан. Уларда ҳар икки халқнинг кўп асрлик тарихи, маданияти, дунёқараши, урф-одат ва анъаналари акс этиб туради.

## ХУЛОСА

Инглиз ва ўзбек тиллари озиқ-овқат компонентли фразеологизмларининг миллий-маданий хусусиятларини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Фразеологизмлар жумласига турғун, икки ёки ундан ортиқ компонентга эга бўлган, образли, мотивлашган, эмоционал-экспрессив, онгимизда тайёр ҳолда акс этувчи, энг муҳими тўлиқ ёки қисман кўчма маъноли паремиологик бирликлар, яъни мақоллар, афоризмлар, ҳикматли сўзлар, нақллар, идиоматик бирликлар киради. Бу бирликларда ифодаланаётган фикрлар қуйма ва синтактик бир бутунликка эга бўлади.

2. Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмлар таркибида қўлланган озиқ-овқат номлари миллий-маданий жиҳатдан фарқланади. Бу, кўпроқ, икки халқнинг яшаш тарзи, урф-одат ҳамда анъаналари билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Бундай бирликлар таркибида қўлланган озиқ-овқат номлари шу жиҳатдан турли кўчма маъноларни билдириб келади.

3. Инглиз ва ўзбек тилларидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар бутун борлиқни фразеологик образлар тизими орқали тасвирлаш, оламни идиоэтик ўзлаштиришни акс эттирувчи тилнинг шаклланиши образлилиги ва халқ дунёқарашининг ўзига хос хусусиятларини асослайдиган образли тизими таркибига киради.

4. Озиқ-овқат компонентли фразеологизмларни қиёсий планда ўрганиш, борлиқни тасвирлашнинг универсаллигини акс эттирувчи фразеологизмларнинг тематик-идиографик таснифини амалга ошириш ва турғун бирикмалар орқали мотивлашувини таҳлил этиш жараёнида уларнинг ўхшаш ва фарқ қилувчи жиҳатлари намоён бўлди.

5. Фразеологизмлар семантикасида аниқ тасаввур ва тушунчалар, яъни муайян бир предмет, нарса ёки бирор ҳодисанинг образи ифодаланади. Фразеологизмларнинг образлилиги улар маъносининг умумий бутунлигини кўрсатадиган ички моҳиятга асосланади. Уларда озиқ-овқат номлари бошқа тилдаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмлардан: а) умуман фарқ қилади; б) қисман бўлса ҳам фарқланади; в) умуман фарқланмайди.

6. Озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар қиёсланаётган тилларда мавжуд номлар билан ифодаланади, улар ҳар бир халқ менталитети, характеридан келиб чиқиб, муштарак ва фарқли жиҳатларга эгадир.

7. Фразеологизмларнинг келиб чиқиш манбаларини ўрганиш тарих, адабиёт ва халқ маиший ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини тасдиқлайди. Фразеологизмлар миллий ва индивидуаллик хусусиятларга эга экан озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар уч хил ҳолатда 1) бир ёки бир неча киши томонидан ишлатиладиган озиқ-овқат компонентли



фразеологизмлар – уларга ёзувчи ва шоирлар яратаётган озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар мисол бўлади; 2) фақат бир халққа, унинг маданияти, урф-одатларига тегишли озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар; 3) бир неча халққа оид бўлган озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар.

8. Озиқ-овқат номлари маълум бир халқларга хос тарихий ва этнолингвистик жараёнларнинг ўзига хос ифодаланиши билан рўёбга чиқади. Шу боисдан ҳам инглиз ва ўзбек тилларидаги озиқ-овқат таркибли фразеологизмлар ўзига хос индивидуал хусусиятларга эга. Бу индивидуаллик уларнинг шаклланишидаги этимологик манбаларга алоқадордир. Бундай бирликлар тарихий мерос ва маданий ривожланиш самараси сифатида яратилади. Шунга кўра, инглиз ва ўзбек тилларидаги озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар этимологик жиҳатдан диний манбалар, халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиётга бориб тақалади;

9. Фразеологизмларнинг миллийлик хусусиятлари тилларни қиёслаш натижасида намоён бўлиб, қуйидаги объектив ва субъектив омиллар орқали аниқланади: Объектив омил бошқа халқлар турмушида мавжуд бўлмаган, муайян халқ ҳаёт тарзига хос бўлган маданий реалияни кўрсатади. Субъектив омил турли тилларда ҳар хил образларда намоён бўлувчи, худди шу реалияни акс эттирадиган сўзлар ва фразеологизмларда ўз ифодасини топади. Маданий хусусиятлар халқ турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, тарихи тўғрисида маълумот берадиган, маънавий маданияти ва менталитети билан боғлиқ бўлган тил бирликларида ўз аксини топади.

10. Озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар инглиз тилидаги каби ўзбек тилида ҳам: а) озиқ-овқат ва унга хос хусусиятлар маъносини беради; б) озиқ-овқат маъносини англамайди, балки шундай компонентлари билан кишилар характерида хос кўчма маъноларда воқеланиб, уларнинг миллий, маънавий жиҳатдан ижтимоий-сиёсий дунёқарашларига мос равишда юзага келади;

11. Фразеологизмлар ҳар бир миллатнинг яшаш тарзи, географик жойлашуви, урф-одат ва анъаналари заминида шаклланиб, тараққий этади. Улар ўрни билан оғзаки нутқда ва бадиий адабиёт намуналарига оид матнларда фаол тарзда қўлланилади. Озиқ-овқат номлари, миллий таомлар, мева, сабзавотлар, турли ичимликлар асосида шаклланади ва миллий-маданий хусусият касб этиб боради;

12. Озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар, инглиз тилида, асосан, инсоннинг ўзига хос хусусиятларини ёки феъл-атворини англаб, ўзбек тилида бирор бир ҳаётий вазият ёки ҳолатни ифодалайди ва панд-насихат маъносида ишлатилади;

13. Озиқ-овқат компонентли фразеологизмлар одоб, тарбия ва одобсизлик; умид, ишонч, орзу-ҳавас ва умидсизлик; эпчиллик, уздабуронлик ва ношудлик; меъёр ва меъёрсизлик; тақдир, омад ва бахтсизлик; ризқ-насиба; тежамкорлик ва исрофгарчилик; фурсат қадри; фаросат ва фаросатсизлик; тозалик, соғлик ва беморлик; хотиржамлик ва безовталиқ; мамнунлик ва хафагарчилик сингари турли ҳаётий ва контраст маъноларни ифодаловчи муайян лексик тизим сифатида инглиз ва ўзбек тилида ўз ўрнига эга. Шу жиҳатдан бундай бирликлар умуминсоний ва миллий мазмун касб этади;

14. Ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий таомлари мавжуд ва улар маълум маънода ўша халқ фразеологизмлари таркибида ишлатилади. Халқ қандай хусусиятлари билан ном қозонган бўлса, айнан шу фазилат натижасида бир қатор миллий фразеологизмлар шаклланади. Бу халққа хос жиҳат бўлиб, миллат менталитетида акс этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10  
ПО ПРИСВОЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**  

---

**УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**НИЯЗМЕТОВА ДИЛДОРА ДАВЛЕТОВНА**

**ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ  
ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ С КОМПОНЕНТОМ «ПИЩА» В  
АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ**

**10.00.06 – сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (Phd) ПО  
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тема диссертации доктора философии (Phd) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1. DSc/Fil122**

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (nuu.md.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

**Научный руководитель:** **Маматов Абди Эшонкулович**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Расулова Махфуза Инамовна**  
доктор филологических наук, профессор

**Агзамова Дилдора Баходиржоновна**  
кандидат филологических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Джизакский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 при Национальном университете Узбекистана, (Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Фараби, д. 400, факультет Зарубежной филологии (аудитория \_\_\_\_). Тел. (99871) 227-12-24; (99871)227-10-59; Факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрированной за №\_\_\_). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, д. 4. Тел. (99871) 227-12-24.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.

(реестр протокола рассылки №\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года).

**А.Г. Шереметьева**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, профессор

**Н.Э. Абдуллаева**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по филол. наукам

**И.А. Сиддикова**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой лингвистике по-прежнему остается актуальной изучение фразеологизмов, их национальных особенностей в связи с общими закономерностями языка, явлениями, отражающими самобытность, образ жизни, мышление, мировоззрение, прошлое и будущее той или иной нации. В этом отношении особое внимание привлекает также место в языке фразеологизмы с компонентом «пища». В частности, считается важным исследование лингвокультурологических, этимологических, национально-культурных особенностей таких единиц английского и узбекского языков.

В современном языкознании широкое распространение получило изучение в лингвокультурном аспекте лингвистических особенностей фразеологических единиц и факторов их формирования. В результате появилась возможность обосновать с научно-теоретической точки зрения фразеологические единицы с компонентом продуктов питания, отражающие мировоззрение и ментальные особенности конкретного народа. Исследование в масштабах мировой лингвистики в сопоставительном аспекте взаимных общностей и различий с точки зрения лингвокультурологии таких единиц, используемых среди представителей разных сословий и слоев общества, всегда было актуальной проблемой.

В связи с проводимыми в нашей стране комплексными реформами, нарастанием духовного и культурного прогресса в современных условиях считается научной необходимостью глубокое исследование вопросов узбекского языкознания на основе достижений мировой лингвистики, т.е. сопоставительное изучение в системе нескольких языков структурно-семантических, лингвокультурологических особенностей фразеологизмов, занимающих особое место в языковой картине мира. Также за годы независимости, опираясь на новые инновационные идеи, которые смело проникают во все сферы общества, большое значение придавалось овладению представителями молодого поколения и специалистами различных сфер совершенными знаниями иностранных языков, а также демонстрации эффективности использования фразеологизмов, обеспечивающих красочность и выразительность речи в процессе говорения на нем. И поэтому изучение фразеологизмов с компонентом продуктов питания, отражающих многовековую историю, культуру и ценности народа. является одной из наиболее актуальных проблем современного языкознания. Как подчеркивается в Указе Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в настоящее время, на основе принципов непрерывного развития, у нас в стране созданы эффективные механизмы стимулирования научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и

инновационных достижений в практику<sup>1</sup>. Поэтому сегодня создание комплексной системы преподавания иностранных языков в нашей стране и уделение особого внимания дальнейшей интеграции республики в мировое сообщество, важно не только для изучения или преподавания иностранных языков, составления различных словарей, но и для достижения адекватности перевода, что, в свою очередь, диктует необходимость осуществления специальных научно-теоретических и научно-практических исследований.

Данная диссертация в определенной степени служит выполнению задач, намеченных в указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5313 от 25 января 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования», постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3151 от 27 июля 2017 г. «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием», № ПП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах», ПП – 2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 года, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** В мировой лингвистике проведено множество исследований по фразеологическим единицам. Следовательно, привлекают внимание труды, созданные Н.Н.Амосовой, А.В.Куниным, А.И. Смирницким, И.В.Арнольд<sup>2</sup> и другими учеными.

Западные ученые, такие как М.Л.Бешай, К.Яшихито, Б.Альтенберг, А.Дабровска, Алварес Де Ла Гранжа, Н.Р.Норрик, С.Е.Чернобай<sup>3</sup>, изучавшие

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07 февраля 2017 года // Народное слово, 8 февраля 2017 года. № 28 (6722).

<sup>2</sup> Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. – Л.: 1964, Кунин А.В. Английская фразеология. – М.: 1971. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. – М.: МГУ, 1998 г. 83 с. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – Л.: 1976 г. 97 с.

<sup>3</sup> Beshaj Ma. Lediana. Phraseological Units Used in the Functional Styles in English and Albanian Language//Mediterranean Journal of Social Sciences// pub. by MCSER-CEMAS-Sapienza University of Rome: Vol - 4 № 2; May 2013. – P. 453-456; Yashihito Kamakura. Collocation and preposition sense: a phraseological approach to the cognition of polysemy. A thesis submitted to the University of Birminggham for the degree of doctor of philosophy. The university of Birminggham. 2011. - 337 p.; Bengt Altenberg. On the phraseology of spoken English // The evidence of recurrent word-combinations // Phraselogy. E d. A.P. Cowie. – Oxford: Clarendon Press, 1998. – P. 101-121.; Anna

лингвистические особенности фразеологизмов, комментировали это в своих работах.

Узбекские ученые Л.И.Ройзензон, Ш.Рахматуллаев, Х.Бердиёров, Я.Д.Пинхасов, М.Умарходжаев, Б.Юлдашев, Абдимурод Маматов, Абдугафур Маматов, М.Содиқова, К.М.Хақимов, Ш.Р.Усмонова, М.К.Халиқова, К.Бозорбоев, Ш. Абдуллаев, Ш.Алмаматова, М.Вафоева<sup>4</sup> и ряд других лингвистов внесли достойный вклад в развитие узбекской фразеологии.

Вопросы перевода фразеологизмов всесторонне изучены в исследованиях таких ученых, как Г.Саломов, К.Мусаев, Ю.Пулатов, С.Мамажонов, М.Бақоева, С.Абидходжаева, Г.К.Одилова, И.Гафуров, О.Муминов, Н.М.Камбаров, М. Холбеков, Ш. Сафаров<sup>5</sup>.

В процессе написания диссертации были приняты во внимание и прокомментированы исследования упомянутых выше и некоторых других узбекских и мировых лингвистов. В отличие от работ, проводимых в этой области, в нашем исследовании внимание фокусируется на факторах этимологического образования фразеологизмов с компонентом продуктов

---

Dabrowska. A Syntactic Study of Idioms. Cambridge Scholars Publishing. 2018. – 372 p.; Álvarez de la Granja, María (ed.). Fixed expressions in cross-linguistic perspective // a multilingual and multidisciplinary approach. – Hamburg: Verlag Dr. Kovac, 2008. – 382 p.; Norrick N. R. How proverbs mean: semantic studies in English proverbs/ N. R. Norrick. – Berlin; New York: Mouton, 1985. – 213 p.; Чернобай С.Е. Определение идиомы в современной фразеологии. «Филология. Социальные коммуникации». Украина, Симферополь, - 2011 г. Том 24 (63). № 3. – С. 320-321;

<sup>4</sup>Ройзензон Л.И. Русская фразеология. Учеб. пособие / М-во высш. и сред. спец. образования. Самарк. гос. ун-т им. А.Навои. – Самарканд: 1977. - 119 с.; Рахматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. д-ри. дисс. ... автореф. – Т.: 1966. – 46 б.; Бердиёров Х., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясига доир библиографик кўрсаткич. – С.: 1977. – 38 б.; 21-26 б.; Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лесикология ва фразеология. – Т.: Ўқитувчи, 1969. – Б. 55-65; Умарходжаев М.И. Принципы составления многоязычного фразеологического словаря: Автореф. дисс ... канд. филол. наук. – М.: 1972. – 27 с.; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услугий хусусиятлари: Филол. фан. док. дисс. ... – Т.: 1993. – 297 с. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Т.: Фан, 1991. – 276 б.; Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларнинг шаклланиши масалалари: Филол. фан. д-ри дисс. ... – Т.: 1999. – 312 б.; Содиқова. М. Қискача ўзбекча-русча мақол-маталлар луғати. – Т.: 1993.– 259 б.; Хақимов Қ.М. Ўзбек тилидаги содда гап қолиплари фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанликлари: Филол. фанл. номз. ... дисс. автореф. –Т.: 1994. – 24 б.; Усманова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар.: Филол. фан. ном. дисс. ... – С.: 1998. – 160 б.; Халиқова М.К.Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картины мира (на материале русского и узбекского языков): дисс....канд. филол. наук. –Т.: 1999. – 142 с. Бозорбоев К.Т. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – С.: 2001. – 22 б.; Қайилбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида: Филол.фан.номз. дисс. –Т.: ЎзРФА А.Навоий номидаги Тил ва адабиёт ин-ти, 2007. – 157 б.; Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Т.: 2008. – 23 б.; Вафоева М.Й. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Т.: 2009. – 26 б.

<sup>5</sup>Саломов Ф. Тил ва таржима. – Т.: Фан, 1966. – 145 б.; Саломов. Ғ Бадий таржимада услубий ўзига хосликни қайта яратиш проблемаси // Таржима санъати. (Мақолалар тўплами). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 53 б.; Мусаев Қ. Инглиз тилидан ўзбек тилига бадий таржиманинг стилистик масалалари: Филол. фан. номз. ... дисс. – С.: 1967. – 140 б.; Пулатов Ю. Бадий асарда номлар таржимаси. – Т.: Фан, 1967. – 68 б.; Мамажонов С. Ўзбекистонда бадий таржима тарихи. – Т.: Фан, 1985. – Б. 25-35.; Бақоева М. Инглиз ва америка адабиётидан ўзбек тилига шеърини таржима тараққиёти. – Т.: Фан, 1995 й. 51 б.; Абидходжаева У.С. Национально-прагматический аспект при переводе фразеологических единиц: дис. ...канд.филол.наук. – Ташкент: Национальный ун-т.Узбекистана им. М.Улугбека, 2002. – 128 с. Одилова Г.К. Инглиз ва ўзбек мумтоз шеърини таржималарида адекватлик муаммолари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т.: ЎзДЖТУ, 2011. – 153 б.; Гафуров. И., Мўминов О., Камбаров Н.Таржима назарияси // Олий ўқув юртлар учун ўқув қўлланма. – Т.: Тафаккур бўстони, 2012. – 280 б.; Холбеков М. Таржимашунослик ва таржима танқиди. // Мақолалар тўплами. – Т.: Наврўз, 2015. – 112 б.; Сафаров Ш. Таржимоннинг лисоний шахс сифатида бажарадиган фаолияти // Хорижий филология. (Мақолалар тўплами) – Самарканд: СамДЧТИ, 2018. – Б. 9-21.

питания, осуществляется их классификация, освещаются лингвокультурологические аспекты и сопоставляется их семантика.

**Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование неразрывно связано с приоритетным направлением научно-исследовательских работ Ургенчского государственного университета «Место сопоставительного языкознания и литературоведения, переводоведения в изучении иностранных языков».

**Цель исследования** заключается в определении лингвокультурологических особенностей и этимологических источников фразеологизмов с компонентом «пища» в английском и узбекском языках и осуществлении их фразеосемантической характеристики.

**Задачи исследования:**

определить источники происхождения английских и узбекских фразеологизмов с компонентом «пища»;

проводить на основе компонентного анализа семантический анализ фразеологизмов с компонентом «пища» в английском и узбекском языках;

определить уровень эквивалентности фразеологизмов с компонентом «пища» английского языка в узбекском языке;

охарактеризовать лингвокультурологические особенности фразеологизмов с названиями продуктов питания в составе английского и узбекского языков;

определить отражение названий продуктов питания в национальных традициях фразеологизмов с компонентом «пища» в английском и узбекском языках;

